

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БУРОНОВ ХАЙРУЛЛО ЖУМАБОЕВИЧ

**ЮРАК ЭХИНОКОККОЗИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК ТАКТИКАНИ ТАНЛАШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Буронов Хайрулло Жумабоевич Юрак эхинококкози билан касалланган беморларда ташхислаш ва хирургик тактикани танлаш	3
Буронов Хайрулло Жумабоевич Диагностика и выбор тактики хирургического лечения у больных эхинококкозом сердца	29
Buronov Khairullo Zhumaboevich Diagnosis and choice of tactics of surgical treatment in patients with heart echinococcosis	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БУРОНОВ ХАЙРУЛЛО ЖУМАБОЕВИЧ

**ЮРАК ЭХИНОКОККОЗИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК ТАКТИКАНИ ТАНЛАШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.1.DSc/Tib350 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ сида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Абдумаджидов Хамидулла Амануллаевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Джошибаев Сейтхан Джошибаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик Асамов Равшан Эркинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Акилов Хабибулла Атауллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«А.В. Вишневский номидаги хирургия миллий тиббий текшириш маркази» Федерал давлат бюджет ташкилоти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (81-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, “бугунги кунда эндемик худудларда эхинококкоз билан касалланиш йилига 100 минг кишига 50 та ҳолатдан ортиши мумкин”¹. Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, “одам эхинокок касаллиги йилига 1-3 миллион кишига зиён етказиб, ногиронликка сабаб бўлади, йилига бир миллиондан ортиқ киши зарар кўради ва кўпларда оғир клиник синдромлар кузатилади”². Кенг тарқалган жигар, ўпка ва қорин бўшлиғи эхинококкози билан бир қаторда, кам учрайдиган жойлашишларидан бири бўлган юрак эхинококкози (ЮЭ) кўп вақтдан буён шифокорларнинг диққатини тортган, чунки у кўп ҳолларда беморларнинг ўлимига олиб келади. Айни дамда паразитар кисталарининг ушбу жойлашишига қизиқиш янада ортган, чунки жарроҳлик усулида даволаш имкониятлари яхшиланган. Ушбу мураккаб амалиётларни амалга ошириш учун янги оптимал жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш керак, чунки кистанинг фиброз қобиғи билан бутунлай олиб ташлашни ўз ичига олган идеал эхинококкэктомияни юрак жарроҳлигида бажариш имкони йўқ. Муаммонинг долзарблиги ташхислаш, даволаш тактикаси ва қайталанишини олдини олишдаги асосий масалалар бўйича мутахассисларнинг фикри турлича эканлиги билан боғлиқ. Натижада, ушбу муаммоларни умумий ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ушбу оғир тоифадаги беморларни даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилайдди.

Жаҳон амалиётида турли хил локализациядаги эхинококкознинг патогенезини ўрганиш, шу жумладан, тарқалишининг географик хусусиятларини аниқлаш, мойиллик келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, касалликнинг оғирлигини баҳолаш учун морфофункционал мезонларни аниқлаш, асоратлар эҳтимоли бўлган гуруҳларда, жумладан юрак зарарланиш шаклида қиёсий прогнозлаш мақсадида бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иммунитет ҳолати, ҳаёт даври ва паразитнинг морфологик тури, фиброз капсуланинг гистологик тузилиши ва кардиомиоцитларнинг анатомик ва функционал ҳолатига қараб, кичик даражали ўзгаришлардан кенг миокард инфарктигача ўзгариб турадиган улкан, кўп сонли, қўшма ва бошқа турдаги ЮЭ ривожланишининг сабаб-оқибат муносабатларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар давом этмоқда. Эхинококк кистасининг қоринча ичида жойлашишида ультратузилмали, морфологик ўзгаришларни ва амалиётдан кейинги узок даврда унинг турига кўра чап қоринча миокарди функциясини қайта тиклаш даражасини ўрганишнинг устувор йўналишига қараб баҳоланади.

Миллий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида юрак эхинококкози билан касалланган беморларни жарроҳлик

¹ World Health Organization. Global hepatitis report. 2017. <http://www.who.int/hepatitis/publications/global-hepatitis-report2017/en>.

² Orah A Y, Faqe DA, Kadoura M, Kakamad FH, Yaldo FF, Aziz SQ. Cardiac Hydatid cysts; presentation and management. A case series. // Ann Med Surg (Lond). 2018 Apr 7;30:18-21.

усулида даволаш натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, юрак кисталари билан оғриган беморларни ташхислаш сифатини ва жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун юрак эхинококкозини жарроҳлик усулида даволашнинг янги усуллари самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий асосланган натижалар зарур. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан ЮЭ билан беморларни даволаш натижаларини яхшилашда, касалликнинг анатомо-топографик ва функционал хусусиятларини омилли таҳлил қилиш ва жарроҳлик амалиётларининг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш жорий соҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори, ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мавзусидаги ҳалқаро илмий изланишлар таҳлили.⁴ Юракнинг гидатид шикастланиши билан касалланган беморларни эрта

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁴ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Vural U, Aglar AA, Kayacioglu I. Intracoronary Hydatid Cyst Resulted in Coronary Artery Disease in a Young Patient. // Braz J Cardiovasc Surg. 2019 Jan-Feb;34(1):107-110; Al-Hakkak SMM, Al-Faham FSM, Al-Awwady AN. Acute limb ischemia caused by ruptured cardiac hydatid cyst - A case report. // Int J Surg Case Rep. 2019;55:18-22; Pant B, Ramesh A, Selvaraj R. Hydatid cyst of the interventricular septum - A rare cause of heart block. Indian Pacing Electrophysiol J. 2019 Jan 17. pii: S0972-6292(18)30228-6; Kraef C, Ramharter M. Cardiac manifestations of tropical diseases // Herz. 2019 Feb;44(1):83-91; Gupta Y, Priyadarshi M. Perioperative management of intramyocardial hydatid cyst with off-pump technique. // Ann Card Anaesth. 2019 Jan-Mar;22(1):92-95; Separovic Hanzevacki J, Gasparovic H, Reskovic Luksic V, Ostojic Z, Biocina B. Staged management of a giant cardiac hydatid cyst: a case report. // BMC Infect Dis. 2018 Dec 27;18(1):694; Alis D, Turna O. Magnetic Resonance and Computed Tomography Findings of Isolated Hydatid Cyst of the Interventricular Septum. // J Belg Soc Radiol. 2018 Nov 23;102(1):74; Oner T, Korun O, Celebi A. A cardiac hydatid cyst mimicking a pericardial tumour in a paediatric case. Cardiol Young. 2019 Feb;29(2):244-246; Vazhev ZG, Stoev HA. Cardiac Echinococcosis Involving Left Ventricular Myocardium in an 18-Year-Old Patient. // Folia Med (Plovdiv). 2018 Jun 1;60(2):308-313; Fennira S, Sarray H, Kammoun S, Zoubli A, Kammoun Y, Kraiem S, Jerbi S. A large cardiac hydatid cyst in the interventricular septum: A case report. // Int J

ташхислаш ва жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва университетларида олиб борилмоқда, жумладан, Department Cardiovascular Surgery, Doktor Siyami Ersek Gogus Kalp ve Damar Cerrahisi Egitim ve Arastirma Hastanesi Ringgold Standard Institution (Istanbul, Turkey); Department of Surgery, Faculty of Medicine, University of Karbala (Karbala City, Iraq); Department of Cardiology, JIPMER (Puducherry, India); Bernhard Nocht Institute for Tropical Medicine & I. Department of Medicine, University Medical Center Hamburg-Eppendorf, Bernhard-Nocht-Straße (Hamburg, Deutschland); Department of Cardiac Anaesthesia, LPS Institute of Cardiology, Kanpur, Uttar (Pradesh, India); Department of Cardiac Surgery, School of Medicine, University Hospital Centre Zagreb (Zagreb, Croatia); Istanbul Mehmet Akif Ersoy Thoracic and Cardiovascular Surgery Training and Research Hospital (Turkey); Department of Cardiovascular Surgery, Medical University of Plovdiv (Plovdiv, Bulagaria); Department of Cardiology, Habib Thamer Hospital (Tunis, Tunisia); Servicio de Clínica Pediátrica, Hospital Nacional Guillermo Almenara Irigoyen (Lima, Perú); Department of Radiology, French Medical Institute For Mothers and Children (Kabul, Afghanistan); Department of Forensic Medicine, Shahid Beheshti University of Medical Sciences (Tehran, Iran); Kscien Organization for Scientific Research, Sulaimani (Kurdistan, Iraq); А.Н. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлик миллий илмий тадқиқот маркази (Москва, Россия), В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Тошкент, Ўзбекистон).

Дунё бўйлаб ЮЭ бўлган беморларни эрта ташхислаш сифатини яхшилаш ва амалиёт натижаларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар натижалари бўйича турли ечимлар таклиф қилинган, жумладан: ўлим кўрсаткичи ва қайталаниш хавфи юқори бўлган ҳолда, ЮЭ да кичик, енгил амалиётлар қўлланилмаслиги, консерватив даволаниш мумкин эмаслиги ва ягона усул очик жарроҳлик амалиёти эканлиги белгиланган (Bernhard Nocht Institute for Tropical Medicine & I. Department of Medicine, University Medical Center Hamburg-Eppendorf, Bernhard-Nocht-Straße, Hamburg, Deutschland); “ишлаб турган” юракда эхинококк кистасини олиб ташлаш амалиётлари киста таркибини тарқатиш, яқин турган тож томирларига тасодифан зарар етказиш, паразитни олиш даврида киста тешилиши, аэроэмболия хавфи ва юқори даражадаги қайталаниш хавфи каби бир қатор асоратлар билан боғлиқлиги аниқланган (Doktor Siyami Ersek Gogus Kalp ve Damar Cerrahisi Egitim ve Arastirma Hastanesi Ringgold Standard Institution, Istanbul, Turkey); жарроҳлик амалиёти сунъий қон айлантириш билан амалга оширилмаса, ҳар олти бемордан бири қон кетишдан ўлиши, шунинг учун юракдан

Infect Dis. 2019 Jan;78:31-33. Huerta-Obando AV, Olivera-Baca EY, Silva-Díaz J, Salazar-Díaz A. Cardiac Hydatid Cyst in a Child: A Case Report. // Rev Peru Med Exp Salud Publica. 2018 Apr-Jun;35(2):338-343; Moghul D, Hamidi H. Incidental finding of cardiac hydatid cysts, report of two cases. // BMC Med Imaging. 2018 Aug 13;18(1):22; Emam Hadi MA, Najari F, Soleimani L. Sudden Death due to Hydatid Cyst Emboli; a Case Report. // Emerg (Tehran). 2018;6(1):e20. Epub 2018 Mar 19; Oraha AY, Faqe DA, Kadoura M, Kakamad FH, Yaldo FF, Aziz SQ. Cardiac Hydatid cysts; presentation and management. A case series. // Ann Med Surg (Lond). 2018 Apr 7;30:18-21.

эхинококкэктомияни сунъий кон айланиш ва кардиоплегия шароитида бажариш мақсадга мувофиқлиги аниқланган (Servicio de Clínica Pediátrica, Hospital Nacional Guillermo Almenara Irigoyen, Lima, Perú). Department of Radiology, French Medical Institute For Mothers and Children даги муаллифлар гуруҳи томонидан амалиётдан олдинги даврда альбендазол билан консерватив даволаш паразит деворининг юмшаши ва киста парчаланиш хавфининг юқори бўлиши сабабли мутлақо қарши кўрсатма ҳисобланиши исботланган.

Ҳозирги даврда юрак эхинококк кисталарининг ривожланиши, тарқалиши, ривожланиши ва ўлимининг патогенетик механизмлари бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, бу касаллик миокардда гидатид шикастланиши бор беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган; даволаш усулларидан келиб чиқадиган ноаниқлик, консерватив ва жарроҳлик усулида даволанишнинг қониқарсиз натижалари ушбу патологиянинг клиник жиҳатларини таҳлил қилиш зарурлигини белгилайди ва жарроҳликдаги замонавий, юқори технологик усулларнинг пайдо бўлиши ушбу муаммоларни янги нуқтаи назарларини ўрганишга имкон беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўплаб тадқиқотчиларининг ЮЭ га бағишланган адабиётлари жуда кам кузатувлар билан намоён бўлмоқда. Эхинококкоз касаллигида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган Vural U⁵ бошчилигидаги Туркиялик тадқиқотчилар томонидан “20 йил ичида 20 минг кардиохирургик амалиётлар орасида 14 та ҳолатда гидатид кисталари юракда жойлашган”лиги аниқланган. Туркияда 15 та бирламчи ЮЭ ни ўз ичига олган бошқа бир маълумотда “бу ушбу патологияга эга бўлган беморларнинг сони бўйича дунёдаги энг йирик тадқиқот” эканлиги таъкидланади (Oraha AY⁶). Bouassida I⁷ бу муаммо бўйича жаҳон адабиётини таҳлил қилгач, ҳозирги кунга келиб кардиоперикардда жойлашган эхинококкозга бағишланган тахминан 300 та маълумот мавжудлигини кўрсатди, бунда 100 дан ортиқ ҳолат жарроҳлик усулида муваффақиятли даволанган. Шундай қилиб, ЮЭ нинг ҳаддан ташқари камлиги, сабали ҳар бир янги кузатув паразит билан боғлиқ бўлган жараёнларни ва унинг оралиқ хужайини - бемор билан бўлган муносабатларни тушунишда муҳим ҳисса қўшади.

Замонавий нурли текшириш усулларининг клиник амалиётга жорий қилиниши билан ЮЭ билан касалланган беморлар, шунингдек бир нечта аъзоларда паразит кисталарининг ривожланиши тез-тез аниқланмоқда. Эхинококкознинг клиник кўриниши айрим ҳолатларда кам белгилар билан

⁵ Vural U, Aglar AA, Kayacioglu İ. Intracoronary Hydatid Cyst Resulted in Coronary Artery Disease in a Young Patient. // Braz J Cardiovasc Surg. 2019 Jan-Feb;34(1):107-110

⁶ Oraha AY, Faqe DA, Kadoura M, Kakamad FH, Yaldo FF, Aziz SQ. Cardiac Hydatid cysts; presentation and management. A case series. // Ann Med Surg (Lond). 2018 Apr 7;30:18-21.

⁷ Bouassida I, Pricopi C, Mangiameli G, Arame A, Auliac JB, Gorbatai B, Riquet M, Le Pimpec Barthes F. Cardiac compression of hydatid origin. Rev Pneumol Clin. 2018 May 17

давом этади. Бироқ, Rossetti E⁸ фикрига кўра, “замонавий тиббиётда эришилган ютуқларга қарамасдан, ЮЭни ташхислаш мураккаб вазифа бўлиб қолмоқда”. Тиббиёт тарихчиларидан паразитар кисталарнинг жарроҳлик усулида даволашда биринчи уринишлар Гиппократга бориб тақалишига қарамасдан, эхинококкознинг юракда жойлашишида даволаш учун мақбул стратегияни танлашда мутахассисларнинг фикри турлича. Альбендазол билан консерватив даволашдан олинган ижобий натижалар ҳақида маълумотлар жуда кам (Atayi Z⁹). Бошқа муаллифлар кимётерапияни жарроҳлик амалиётисиз қўллаш, фақат амалиёт бажариш имконсиз турларида, ёки беморлар амалиётдан воз кечганда қўлланилиши мумкинлигини билдиришади (Wadhawa V¹⁰). Учинчи гуруҳ эса кимётерапия курсидан сўнг юракда амалиётни амалга оширадилар. Тўртинчиси эса, жарроҳликдан олдин альбендазол билан даволашни ўта оғир ва мутлоқ қарши кўрсатма деб ҳисоблайдилар (Agnino A¹¹). Ниҳоят, бешинчилар гидатид олиб ташлангандан кейин ҳам кимётерапиянинг паст самарадорлигини кўрсатади.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, муаммонинг долзарблиги ташхислаш, даволаш усуллари ва инвазиянинг қайталанишини олдини олишда асосий масалаларда мутахассисларнинг фикр турлича эканлиги билан боғлиқ. Келтирилган маълумотлар ЮЭ билан беморларни даволаш натижаларини такомиллаштириш учун оптимал диагностик алгоритмни, хирургик тактикани излаш ва ривожлантиришни кўриб чиқишга, бу патологиянинг оғирлиги ва унинг асоратларини баҳолаш учун кардиохирургиянинг долзарб муаммоларидан бири сифатида хар томонлама баҳолаш имконини беради. Юрак ва перикарднинг эхинококкоз билан зарарланишига бағишланган нашрларнинг кам сонлиги муаммонинг, клиник кечиши, ташхислаш хусусиятлари ва жарроҳлик усуллари ҳақидаги умумлаштирувчи тадқиқотлар мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг “Чап қоринча кенгайиши билан асоратланган юрак митро-аортал нуқсонлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида амалга оширилган (2012-2016 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади юрак эхинококкози билан беморларни даволаш натижаларини касаллик кечишининг анатоми-топографик, функционал хусусиятларини омилли таҳлил қилиш ва жарроҳлик амалиётларининг

⁸ Rossetti E, Boto A, González Cambaceres C, Ruvinsky S, Sagray E; Colaboradores. Acute arterial embolism as the clinical presentation of a disseminated hydatidosis: case report. Arch Argent Pediatr. 2018 Aug 1; 116(4):e616-e620.

⁹ Atayi Z, Borji H, Moazeni M, Saboor Darbandi M, Heidarpour M. Zataria multiflora would attenuate the hepatotoxicity of long-term albendazole treatment in mice with cystic echinococcosis. Parasitol Int. 2018 Apr;67(2):184-187.

¹⁰ Wadhawa V, Shah J, Doshi C, Ramani J, Lakhia K, Rathod D, Tavar R, Kothari J. Surgical overview of cardiac echinococcosis: a rare entity. Interact Cardiovasc Thorac Surg. 2018 Aug 1;27(2):191-197.

¹¹ Agnino A, Lanzzone AM, Spira G, Anselmi A. Surgical treatment of left ventricular echinococcosis through the HeartPort technique. Interact Cardiovasc Thorac Surg. 2018 Feb 1;26(2):357-359.

тактико-техник жиҳатларини такомиллаштириш ёрдамида яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида ЮЭ билан касалланиш кўрсаткичи интенсивлигини аниқлаш;

ушбу этиологияли барча касалликлар таркибида ЮЭ нинг эпидемиологик аҳамиятини аниқлаш;

юракнинг бирламчи ва қайталанган эхинококкозли зарарланишларининг анатомо-топографик хусусиятларини аниқлаш;

ЮЭ да амалиётдан кейинги функционал ва техник асоратлар частотасини аниқлаш;

юрак гидатид зарарланишининг морфологик хусусиятларини ўрганиш;

амалиёт натижаларига юрак гидатид зарарланишининг анатомо-топографик ва функционал хусусиятларининг таъсирини омилли таҳлил қилиш;

юрак гидатид зарарланишида бирламчи амалиётдан кейин эхинококкознинг қайталаниш хавф омилларини аниқлаш;

миокарднинг дастлабки функционал кўрсаткичларига кўра юрак эхинококкозида амалиётлар натижаларини ўрганиш;

қайталаниш частотасига кўра ЮЭ да паразит бўшлиғига ишлов беришнинг тавсия этилган усули самарадорлигини аниқлаш;

тирик қолганларнинг умумий улушини ва ЮЭ да қайта амалиётлардан озод бўлишни ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 1980-1992 йиллар мобайнида юракнинг изоляцияланган ёки бошқа аъзолар билан қўшма эхинококкозли зарарланиши бўлган 73 нафар беморларнинг даволаш натижалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб юрак эхинококкози билан бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижаларини анатомо-топографик ва функционал хусусиятларининг амалиётдан кейинги яқин ва узоқ натижаларга таъсирини ҳисобга олган ҳолда омилли таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги: клиник, инструментал (ЭКГ, ЭхоКГ, рентгенография), лаборатор, нурли (МСКТ), эндоваскуляр (коронар ангиография ва вентрикулография), махсус (қизилўнгач орқали ЭхоКГ) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида илк марта юрак эхинококкози билан касалланиш кўрсаткичи ва ушбу этиологияли барча паразитар касалликлар таркибида жараёнинг кечиши (бирламчи ва қайталанган) ва зарарланиш хусусиятини (изоляцияланган ва қўшма) инобатга олган ҳолда унинг улуши аниқланган;

кардиал эхинококкознинг анатомио-топографик хусусиятлари, асосий ва такрорий, изоляцияланган ёки қўшма гидатид юрак зарарланишининг хусусияти жойлашуви ва тузилишига кўра очиб берилган;

эхинококкозни жарроҳлик даволашда, гепатокардал, кардиопульмонал ва перикардио-пульмонал гидатид зарарланишда бир босқичли кетма-кет симультан амалиётларни бажариш бўйича тактик ёндашувлар ишлаб чиқилган;

эхинококкэктомиyani бажаришда куртак элементларининг тарқалиш хавфини кескин камайтирувчи юракда жойлашган паразит бўшлиғини ишлов бериш усули ишлаб чиқилган;

юрак гидатид зарарланишининг асосий морфологик хусусиятлари полиморфизмнинг ривожланиши, ларвоцистлар ташқи ва ички пардасининг бўлиниши ва шишиши, эхинококк кистасининг тешилиши ва ёрилишига олиб келиши аниқланган;

юрак эхинококкози якка ёки қўшма амалиётлари салбий натижаларининг асосий омиллари: юракдаги амалиёт шароитлари, юрак кўрсаткичларининг бошланғич функционал-геометрик қиймати, жойлашиши, гидатидлар тузилиши ва чап қоринча деворидаги таркибий ўзгаришлар эканлиги аниқланган;

кардиал эхинококкозда юракнинг тузилиш ва вазифасини баҳолашнинг эхографик мезонлари ва кўшимча мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни талаб этувчи миокард деворининг гидатид таъсирида маҳаллий патологик ўзгаришлари ва амалиёт ичи анатомик хусусиятлари аниқланган;

изоляцияланган ёки қўшма юрак гидатид зарарланишининг жарроҳлик усулида даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тирик қолганларнинг умумий миқдори, қайталанган эхинококкоз фонида такрорий амалиётлардан озод даври аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатдаги барча эхинококкоз касалликлари таркибида бирламчи ва қайталанган, шунингдек патологик жараённинг изоляцияланган ва бошқа нишон аъзолар билан биргаликда кечишининг нисбати текширилган, юрак гидатид зарарланишининг аҳамияти аниқланган;

юрак эхинококкозининг тузилиши касалликнинг бирламчи ёки қайталанган шакллари, изоляцияланган ёки қўшма зарарланишлари, шунингдек гидатид инвазиясининг маҳаллий анатомик хусусиятларини инобатга олган ҳолда аниқланган;

юрак эхинококкози клиник кечишининг хусусиятлари аниқланган, изоляцияланган ва қўшма шаклларида инструментал ва нурли ташхислаш босқичлари оптималлаштирилган;

бу касалликни даволашда кардиохирургик амалиётларнинг қониқарсиз натижалари ривожланиш эҳтимолига таъсир кўрсатувчи, тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш имконини берувчи юрак гидатид зарарланишининг хусусиятлари аниқланган;

D.Cooley усулига қарама-қарши тефлон қистирмалар билан венстрикулопластикани амалга ошириш орқали паразитнинг қолдик

бўшлиғини бартараф этиш гидатид билан нозиклашган миокард деворини кучайтириши ва амалиётдан кейинги юрак функционал ўзгаришлари хавфини камайтириши исботланган;

ЮЭ ни жарроҳлик йўли билан даволашда паразит бўшлиғини ишлов беришнинг тавсия этилган усули гидатиднинг маҳаллий ва тарқалган қайталанишини камайтириши аниқланган;

юракнинг гидатид яллиғланишининг жадал ривожланиши унинг деворидаги таркибий ўзгаришларга олиб келиши, бу эса эхинококк кистасининг ёрилишида ҳал қилувчи омил эканлиги исботланган;

ЮЭ да дастлабки эхокардиографик кўрсаткичларни, бошқа нишон аъзоларнинг кўшма зарарланишини, изоляцияланган ва симультан амалиётлар бажарилишида тавсия этилган тактик ва техник жиҳатларни инобатга олган ҳолда амалиёт усулини танлаш эрта ва кечки асоратларни ва ўлим кўрсаткичини пасайтириши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги беморларнинг ҳолатини баҳолаш, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллашда объектив мезонлардан фойдаланган ҳолда тасдиқланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материаллар бўйича олиб борилган. Статистик ишлов бериш натижаларининг ишончилиги тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан аниқланадиги, олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар ЮЭ кечишининг хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. Ўзбекистон Республикасида илк маротаба юрак эхинококкози билан касалланиш кўрсаткичи, шунингдек унинг кечиши ва зарарланиш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ушбу этиологияли барча паразитар касалликлар таркибида учраш улуши аниқланган. Кардиал эхинококкоз фонида юракнинг фазовий тузилишини ва вазифасини баҳолаш учун эхографик мезонлар аниқланган. Юрак гидатид зарарланишининг изоляцияланган ёки кўшма турида жарроҳлик усулида даволашнинг қўлланилган тактик ва техник жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда эхинококкознинг қайталаниши фонида такрорий амалиётлардан ҳоли ва яшаб қолганларнинг умумий улушлари аниқланган. Тадқиқотнинг айрим натижалари курсантларни тайёрлашда юрак гидатидоз касалликларига оид мавзуларга бағишланган дастурининг таркиби ва тузилмасини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ЮЭ ни жарроҳлик усулида даволашда паразит бўшлиғига ишлов беришнинг тавсия этиган усули касалликнинг маҳаллий ва тарқалган қайталанишини камайтириш имконини беради. D.Cooley усулидан фарқли ўлароқ тефлонли қистирмалар ёрдамида вентрикулопластика бажарилиши паразитнинг қолдиқ бўшлиғини бартараф этиш, гидатид билан нозиклашган миокард деворини кучайтиради ва амалиётдан кейинги юрак вазифалари бузилиши хавфини камайтиради. Кардиохирургик амалиётларнинг қоникарсиз натижаларига таъсир этувчи

юракнинг гидатид зарарланишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган, бу касалликни даволашнинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини берган. ЮЭи да изоляцияланган ёки қўшма амалиётларни бажаришда тавсия этилган тактик-техник жиҳатларнинг татбиқ этилиши эрта ва кечки асоратларни, шунингдек ўлим кўрсаткичини камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юрак гидатид зарарланиши бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бажарилган илмий тадқиқот натижаларига кўра:

“Юрак эхинококкозини жарроҳлик даволаш усули”га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти олинган (№IAP 0323, 2018). Таклиф этилган усул жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилашга ва касалликнинг қайталаниш хавфини камайтириш имконини берган;

“Юрак эхинококкозини ташхислаш ва хирургик даволаш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 майдаги 8н-р/180-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар юрак эхинококкозини жарроҳлик усулида даволаш сифатини яхшилаш, амалиётдан кейинги асоратларни камайтириш ва беморларнинг шифохонада бўлиш муддатини қисқартириш имконини берган;

юрак гидатид зарарланиши бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволашни яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг кардиохирургия бўлимлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 майдаги 8н-р/180-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Изоляцияланган ва қўшма юрак эхинококкозининг даволашнинг оптимал усулини жарроҳлик амалиётининг такомиллаштирилган техник жиҳатлари билан биргаликда танлаш бўйича бажарилган тадқиқотлар натижалари яқин ва узоқ муддатдаги ижобий натижалари улушини 77,1% дан 94,7% гача ошириш ва коникарсиз натижалар улушини 22,9% дан 5,3% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 11 та мақола, шундан, 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқот республика илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юрак эхинококкозини ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий тамойиллари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар тахлили келтирилган, тўртта бўлинмадан иборат бўлиб, ЮЭ ининг эпидемиологияси, этиологияси, ташхислаш, хирургик даволашнинг тарихий ва замонавий қарашларига бағишланган. Келгусида ишлаб чиқишни талаб этадиган мунозарали ва ҳал этилмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Юрак эхинококкози билан беморларнинг клиник хусусиятлари ва қўлланилган текширув усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, материаллар ва тадқиқот усуллари тасвирланган. Асосий клиник материал сифатида “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМда 1994 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда ЮЭи билан 73 нафар беморларнинг жарроҳлик даволаш натижалари қўлланилган. Асосий гуруҳга 2012 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда амалиёт бажарилган 38 нафар бемор, таққослаш гуруҳида 1994 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда амалиёт бажарилган 35 нафар бемор киритилган. Таққослаш гуруҳида ЮЭи учун кардиохирургик амалиётлар паразитар касалликлар бўйича умумий қабул қилинган стандартларга мувофиқ амалга оширилган. Асосий гуруҳдаги фарқловчи хусусиятларга қуйидаги омиллар киритилган:

- жараённинг тарқалиш хавфини камайтириш ва шунга мос равишда касалликнинг қайталанишини камайтириш мақсадида паразит бўшлиғини ишлов бериш бўйича ишлаб чиқилган усулни қўллаш;

- D.Cooley усулида вентрикулопластикани қўллаш орқали паразитнинг юзага келган қолдиқ бўшлиғини бартараф этиш қўлланилган, бу ЧҚ деворида юзага келадиган тузилмавий ўзгаришлар ва функционал кўрсаткичлар бузилиши билан боғлиқ;

- гепатокардиал, кардиопулмонал ва перикардиопулмонал эхинококкозда бир вақтдаги кетма-кет жарроҳлик тактикаси учун кўрсатмаларни кенгайтириш;

- амалиётдан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини омилли таҳлил қилишга асосланган тавсия этилган алгоритмни қўллаш.

ЖССТ таснифи (2016) бўйича 19 нафар (26,0%) бемор 19 ёшгача бўлган – ўсмирлар гуруҳига, 42 нафари (57,5%) - 20-44 ёшгача бўлган - ёшлар гуруҳига, 12 нафари (16,4%) - 45-59 ёшдаги - ўрта ёш гуруҳида бўлинган. Таққослаш гуруҳидаги беморлар барча асосий кўрсаткичлар бўйича мутаносиб бўлган. Умуман олганда, барча беморлар учун ўртача ёш $29,7 \pm 1,5$ йилни ташкил этган.

Барча беморларнинг 40 нафарида (54,8%) юракнинг изоляцияланган зарарланиши, 33 нафарида (45,2%) бир нечта нишон аъзоларнинг эхинококкози кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Изоляцияланган ва қўшма ЮЭи билан бўлган беморларнинг тақсимланиши

Жойлашиши	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Изоляцияланган ЮЭ	20	52,6%	20	57,1%	40	54,8%
Қўшма ЮЭ	18	47,4%	15	42,9%	33	45,2%
Юрак ва ўпка эхинококкози	5	13,2%	5	14,3%	10	13,7%
Юрак ва жигар эхинококкози	5	13,2%	4	11,4%	9	12,3%
Юрак, ўпка ва жигар эхинококкози	2	5,3%	1	2,9%	3	4,1%
Юрак ва кўкс оралиғи эхинококкози	3	7,9%	2	5,7%	5	6,8%
Юрак ва диафрагма эхинококкози	0	0,0%	1	2,9%	1	1,4%
Юрак, ўпка ва кўкс оралиғи эхинококкози	3	7,9%	2	5,7%	5	6,8%
Жами	38	100,0%	35	100,0%	73	100,0%

Асосий гуруҳдаги 29 нафар (76,3%) ва таққослаш гуруҳидаги 28 нафар (80,0%) беморларда бир камерали кисталар кузатилган, қолган ҳолатларда кўп камерали кисталар қайд этилган. Эхинококк кисталарининг ўртача ўлчамлари ЭхоКГ га кўра $4,7 \pm 0,3$, юракнинг МСКТ си бўйича эса $5,6 \pm 0,3$ см.ни ташкил этган.

Асосий гуруҳда D.Cooley усулида венстрикулопластика билан эхинококкэктомия 9 (23,7%) та ҳолатда, паразит бўшлиғини тавсия этилган ишлов бериш усулида эхинококкэктомияси - 8 (11,0%), венстрикулопластика ва паразит бўшлиғини ишлов бериш билан эхинококкэктомия - 6 (8,2%) ҳолатларда қўлланилган. Асосий гуруҳда қолган 15 та ҳолатда ва назорат гуруҳидаги барча 35 беморларда анъанавий эхинококкэктомия бажарилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Юрак эхинококкозининг эпидемиологик жиҳатлари ва анатоми-топографик хусусиятлари”** очиб берилган. Ўзбекистон Республикасида умумий эхинококкоз ҳолатининг тузилмавий таҳлили шуни кўрсатадики, 2015 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда ушбу касалликнинг 2683 та ҳолати рўйхатга олинган бўлса, бунда ЮЭнинг улуши 0,67% ни ташкил этган, шу жумладан бирламчи шакли - 0,56%, бошқа аъзоларда олдин бажарилган амалиётлардан кейинги қайталаниши - 0,11%, изоляцияланган кардиал гидатидози - 0,41% ва бошқа жойлашишлар билан қўшма келиши - 0,26% ни ташкил этган. Ўзбекистон Республикасида эхинококкоз билан ўртача касалланиш жадал кўрсаткичи 100

минг аҳоли учун $2,8 \pm 0,20$ (2,4 дан 3,0 гача ўзгарган), бунда юрак гидатид зарарланиши тегишли равишда 100 минг аҳоли орасида $0,019 \pm 0,0017$ кийматида, бирламчи шакли – $0,016 \pm 0,0001$; изоляцияланган зарарланиши - $0,011 \pm 0,0027$ ва бошқа нишон аъзолар билан қўшма келиши - $0,007 \pm 0,0011$ эканлиги аниқланган.

Шунингдек, юрак гидатид зарарланишининг анатомо-топографик хусусиятлари ҳам текширилган ва аниқланган. Бирламчи ЮЭ таркибида 55,8% (52 нафар беморнинг 29 таси) изоляцияланган, бошқа нишон аъзолар билан қўшма келиши - 44,2% (23 бемор, улардан 73,9% ўпка ва/ёки жигарда), бунда 69,2% да (52 тадан 36 тасида) киста ЧҚ ёки қоринчалараро тўсиқда жойлашган ва солитар киста 92,3% (52 бемордан 48 тасида) ҳолатларда аниқланган.

Бошқа нишон аъзоларда бажарилган амалиётлардан кейин эхинококкознинг юракда қайталанишида (ўпка - 57,1% - 21 дан 12 та, жигар - 33,3% - 21 дан 7 таси), 52,4% (21 дан 11 та) изоляцияланган зарарланиш - 47,6% (10 та, шулардан 80% ўпка ёки (ва) жигар гидатидозига боғлиқ), 66,7% (21 дан 14 таси) ЧҚ ёки қоринчалараро тўсиқда, 66,7% (21 дан 14 таси) беморда солитар бўшлиқли ҳосила аниқланган.

Умуман олганда, изоляцияланган ЮЭи беморларнинг 54,8% (73 дан 40 тасида), қўшма 45,2% (33 ҳолатда, улардан ўпка ва (ёки) жигар зарарланиши 81,8% - 33 дан 27 тасида аниқланган), бунда 68,5% да (73 дан 50 таси) кисталар ЧҚ ёки қоринчалараро тўсиқда жойлашган ва 84,9% (73 дан 62 та) беморларда якка киста аниқланди.

Юрак эхинококкозини анатомо-топографик хусусиятларининг тузилмавий таҳлили шуни кўрсатадики, унинг қўшма зарарланиши 81,8% ўпка ва/ёки жигарда (бошқа нишон аъзоларга нисбатан $p < 0,001$), ЧҚ ёки қоринчалараро тўсиқда жойлашиши 68,5% (юракнинг бошқа қисмларига нисбатан $p < 0,001$), якка бўшлиқли ҳосила 84,9% беморларда (кўп сонли кисталарга нисбатан $p < 0,001$), гидатидларнинг бир камерали тузилиши 78,1% ҳолатларда (куё камералига нисбатан $p < 0,001$) аниқланди.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Юрак эхинококкозида амалиётнинг қониқарсиз натижаларини келтириб чиқарадиган омиллар таҳлили”** келтирилган. Назорат гуруҳида ЮЭи ни жаррохлик усулида даволаш натижаларини белгилайдиган энг муҳим омиллар қуйидагилардир: асоратларни ва ўлим даражасини кардиохирургик амалиётлар бажариш шароитида боғлиқлиги (СҚА ва КП билан, ИК сиз); амалиёт натижасини юракнинг дастлабки гемодинамик кўрсаткичларига боғлиқлиги; амалиёт натижаларининг юрак гидатид зарарланишининг анатомик хусусиятларига боғлиқлиги; амалиёт натижаларининг ЮЭи изоляцияланган ёки қўшма шаклига боғлиқлиги; амалиёт натижаларининг ЧҚ деворидаги таркибий ўзгаришларга боғлиқлиги; амалиёт натижаларининг эхинококк кистаси тузилишига боғлиқлиги.

Кардиал гидатидоз бўйича амалиётлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ишлаб турган юракдаги амалиётлар асоратларининг ривожланиш эҳтимолининг ошиши 26,7% дан (СҚА ва КП да 15 дан 4 таси)


55% гача (20 дан 11 та), ўлим кўрсаткичи тегишли равишда 6,7% (1) ва 15% (3), ва эхинококкознинг қайталаниш частотаси - 7,1% (14 дан 1 та) ва 17,6% (17 дан 3) ни ташкил этади. Шу билан бирга, кардиохирургик амалиётлар техник жиҳатлари билан боғлиқ бўлган асоратлар частотаси 28,6% га, юракнинг бошланғич функционал ҳолати 25,7% га, амалиёт шароитларига кўра, бу кўрсаткичлар СҚА ва КП гуруҳида тегишли равишда - 13,3% ва 20,0% ни, юрак ишлаб турган амалиётлар бўйича - 40,0% ва 30,0% ни ташкил этди.

Бундан ташқари, амалиётнинг натижалари юрак фаолиятининг дастлабки функционал кўрсаткичларига, яъни чап қоринча КДО, КСО, И-КДО ва ФВ ҳолатига кўра ўрганилган. Барча ЭхоКГ кўрсаткичлари орасида КДО (мл) кўрсаткичи энг муҳим аҳамиятга эга бўлган. Таққослаш гуруҳи беморлари ЧҚ КДО қийматларига кўра иккита гуруҳга бўлинади, мўтадил ($n=23$) ва асосий назорат қийматидан 25% кўпроқ ($n=12$). Шундай қилиб, амалиётгача даврда ЧҚ КДО сининг дастлабки нормал қийматларида ($103,1\pm 8,7$), амалиётдан кейинги бу кўрсаткич ($97,3\pm 5,5$) ни ташкил этди ($p>0,05$). КДО кўрсаткичлари юқори ($145,8\pm 4,7$) бўлган беморларда бу кўрсаткич ишончли мезонда $124,3\pm 1,8$ га камайган ($p<0,001$). Беморларнинг амалиётдан кейинги даврни асоратли кечиши, КДО дастлабки кўрсаткичи 25% дан юқори бўлганда устунлик қилган ва 58,3% ни ташкил этган (КДО нинг дастлабки КДО кўрсаткичлари мўтадил бўлган беморларда 34,8%) (1-расм).


Юракнинг изоляцияланган ёки қўшма эхинококкозини жарроҳлик усулида даволашда салбий оқибатларга олиб келадиган асосий хавф омиллари қуйидагилардир: юракдаги амалиёт шароитлари, юрак кўрсаткичларининг дастлабки функционал-геометрик қиймати, жойлашиши, гидатиданинг тузилиши ва чап қоринча девори тузилишидаги ўзгаришлар эканлиги аниқланган.

Кардиохирургик амалиётлар қониқарсиз натижалари юзага келиш эҳтимолига таъсир қилувчи юракнинг гидатид зарарланишлари, амалиёт шароитлари, миокарднинг функционал ҳолати, чап қоринча деворидаги жойлашиши ва тизимли ўзгаришлар, эхинококк кистасининг қўшма зарарланиши ва тузилиши, жарроҳликнинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини берган.

Диссертациянинг бешинчи бобида **“Юрак эхинококкозида ташхислаш ва даволаш тактикасининг ўзига хослиги”** тақдим этилган. Тадқиқот давомида ЮЭига текширишнинг клиник ва инструментал усулларининг хусусиятлари ушбу касалликда беморларни дастлабки мурожати учун ташхислаш чизмасини ишлаб чиқишга имкон берди (2-расм).



1-расм. ЮЭи бўйича амалиётларнинг салбий оқибатларига олиб келадиган хавф омилларнинг умумий кўрсаткичи



2-расм. ЮЭ нинг диагностик излаш чизмаси





Шудай қилиб, шикоятлар ва анамнез йиғишда асосий нуқта юрак етишмовчилигининг белгиларини аниқлаш, нишон аъзолар эхинококкози юзасидан олдин бажарилган амалиётларни кўрсатиш ҳисобланади. Текширувнинг дастлабки босқичида ЭКГ, ЭхоКГ ва рентген текшируви ўтказилади. ЭКГ ишемия ва юрак ўтказувчанлик ритмининг бузилишини аниқлаш имконини беради. ЭхоКГ, скрининг усули бўлиб, бир ёки кўп камерали бўшлиқли ҳосилаларнинг юмалоқ шаклини кўрсатади. Бунда ўзига хос белги “иккиламчи контур(“) ҳисобланади”. Рентгеноскопияда юрак сояси катталашishi ва текис контурлар билан бирга юмалоқ шаклдаги бирламчи интенсив ҳосила аниқланади. МСКТдан эхинококкли жараёнтарқалишининг жойлашиши ва ҳажмини аниқлаш учун фойдаланиш керак. Қиз кисталари бўлган кўп камерали бўшлиқни кўрсатадиган белги “йулбарс бармоқ изи” дир. Контрастли МСКТ тож артерияларининг катталашган эхинококк кистаси томонидан босилишини кўрсатади.

Сунъий қон айланиш (СҚА) шароитида ЮЭи ни хирургик даволашда бемор СҚА аппаратига уланади. Асистолиядан сўнг паразит кистаси атрофи мато билан ўралади, киста пункцияси киста бўшлиғининг энг кўп бўртган қисмидан бажарилади ва унинг таркиби ташқи сўриш аппарати орқали олиб ташланади; бундан ташқари, паразитларга қарши воситаларни қўллаш – “очилмаган” кистага 80% глицеринни кистанинг қиз элементларини йўқ қилиш учун бўшлиққа киритилади, таъсир этиш вақти 5-10 дақиқа; киста таркибини қайта сўриш ва микроскопия қилиш, сўнгра кистотомия бажарилади. Шундан сўнг ЭЭ ва миокард деворини эпикардиал таянч вентрикулопластикаси бажарилади. Баъзи ҳолларда вентрикулопластикадан олдин перицистэктомия қилинади.

Юрак фаолиятини тикланиши ва гемодинамиканинг стабиллашиши билан СҚА тўхтатилади, гепаринни нейтраллаш учун 1 мг гепарин учун 1 мг протамин сульфат миқдорида қўлланилди.

Амалиётдан кейинги даврда барча беморларга мебендазол ёки альбендазол (10мг/кг) билан 3 курс химиотерапия 14 кун интервал билан ўтказилади.

Катта эхинококк кисталарини бартараф қилиниши 13 (17,8%) ҳолатларда операция эпикардиал таянч вентрикулопластикаси эпикардиал таянч вентрикулопластикаси паразитнинг бўшлиғини бартараф этишда қарама-қарши тефлон тагликлари орқали вентрикулопластика бажарилади (3-расм). Барча муолажалар давомида тарқалишнинг олдини олиш чоралари диққат билан бажарилади.



3-расм. ЧҚ эхинококкози. эпикардиал таянч вентрикулопластикаси техникаси

Муваффақиятли чизикли вентрикулопластика учун тефлонли пластинка қолдиқ бўшлиқнинг катталиги ва кесма узунлигига кўра етарли узунлик ва кенгликда бўлиши керак.

Кистотомия соҳаси икки қаторли чок билан этибонд 2/0 ипларида тикилган - биринчи қатор U-симон матраци чоклар тефлон тагликлар билан, иккинчи қатор - узлуксиз тикилган.

Бундан ташқари, паразит бўшлиғини ишлов бериш учун янги усул таклиф қилинган. Буйлама стернотомия бажарилиб, СҚА бошланиши билан гидатид кистанинг игна-катетер билан пункцияси амалга оширилади. ТЭ ЭхоКГ назорати остида эхинококк суюқлигини тўлиқ аспирацияси амалга оширилади ва кейин киста бўшлиғига 80% сувли глицерин эритмаси билан инъекцияси қилинади. 5-10 дақиқадан сўнг аспират микроскопик тарзда тирик паразит мавжудлигига текширилади. Уларнинг тўлиқ ўлимидан сўнг, глицерин қайта аспирацияланади, кейин киста очилади, хитин қобиғи чиқариб ташланади ва қолган паразит хужайраларини йўқ қилиш учун глицерин эритмаси билан кистага қайта ишлов берилади.

Таклиф этилган ишлов бериш усули киста суюқлиги перикард бўшлиғига тасодифан тушганда тарқалиш хавфини ва шу орқали касалликнинг қайталаниш хавфини камайтиради.

ЮЭ билан бўлган 73 беморни ташхислаш натижалари тахлили, даволаш тактикасини танлаш учун алгоритм ишлаб чиқиш имконини берди (4-расм).

Ишлаб чиқилган алгоритмга кўра, юрак ва ўпканинг кўшма зарарланиши ҳолатида юракдан ва ўпкадан симультан эхинококкэктомия қилиш имконини беради. Перикард эхинококкозида торакотомия орқали, ишлайдиган юракда амалга оширилади. Юрак ва жигарда кўшма ҳолатларда юракдан эхинококкэктомия стернотомия орқали СҚА ва КП шароитида амалга оширилади, сунгра жигардан ЭЭ учун юқори ўрта лапаротомия бажарилади.


Амалиётдан кейинги даврда катта эхинококк кисталари аниқланганда хирургик олиб ташлангандан кейин 3 ой мобайнида профилактик кимётерапия бажарилиши шарт.

Диссертациянинг олтинчи бобида **“Юрак эхинококкозининг морфологик асослари”** келтирилган. Одатда, фиброз қават олиб ташланмайди. Куп холларда (45,2%) E.Veterinorum аниқланди.


